

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ ХИКМАТ ШАВКАТОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН ОКСИАЗОРЕАГЕНТЛАР БИЛАН
ҚЎРҒОШИН ВА РУХ ИОНЛАРИНИ СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК
АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Бобожонов Хикмат Шавкатович Иммобилланган оксиазореагентлар билан қўрғошин ва рux ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш.....	3
Бобожонов Хикмат Шавкатович Разработка сорбционно-спектроскопического определения ионов свинца и цинка иммобилизованными оксиазореагентами.....	21
Bobojonov Khikmat Shavkatovich Development of sorption-spectroscopic determination of lead and zinc ions by immobilized oxyazoreagents.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	41

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ ХИКМАТ ШАВКАТОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН ОКСИАЗОРЕАГЕНТЛАР БИЛАН ҚЎРҒОШИН
ВА РУХ ИОНЛАРИНИ СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4PhD/K324
ракам билан руйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Усманова Хилола Уматалиевна**
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Абдурахманов Эргашбой**
кимё фанлари доктори, профессор

Яхшиева Зухра Зиятовна
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон Миллий университети** ҳузуридаги
DSc. 03/30.12.2019.K.01.03 ракамли Илмий кенгашнинг «10» сентябр 2021 йил соат 16⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кучаси, 4-уй. Тел:
(99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан **Ўзбекистон Миллий университетининг** Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (13-раками билан руйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет
кучаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:
chem0102@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «5» 04 кунни таркатилди.

(2021 йил «5» 04 даги 5 ракамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

Н.Х.Кутлимуратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда ишлаб чиқариш даражаси жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу эса оғир захарли моддалар концентрациясининг атроф-муҳит объектларида ошишига олиб келади. Антропоген таъсирлар орасида рух ва кўрғошин ҳам аҳоли саломатлиги учун хавф туғдиради. Бугунги кунга келиб, оғир захарли металлларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган усулларнинг метрологик ва аналитик хусусиятларига қўйиладиган талаблар тобора ортиб бормоқда, бу эса кўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг мавжуд бўлган усулларини такомиллаштириш ҳамда янги усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг етакчи олимлари томонидан оғир захарли металл ионларини аниқлашнинг селективлиги, сезгирлиги ҳамда экспресслиги юқори бўлган усулларини, шу жумладан, сорбцион-люминесцент усулини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бўйича илмий изланишлар ўтказилиб келинмоқда. Аниқланаётган ионларнинг биологик фаоллиги ва захарлилиги каби хоссаларини инобатга олсак, ишлаб чиқариш ҳамда атроф-муҳит объектларидан ушбу металлларни аниқлаш, уларнинг таркиби ҳақида тезкор ва аниқ маълумотлар олишнинг зарурлиги сорбцион-люминесцент усулларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда кимё саноатини ривожлантиришда атроф-муҳит объектлари таркибидаги рух ва кўрғошин ионларини аниқлашнинг люминесцент усулларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган дастурий чора-тадбирлар асосида мазкур йўналишда маълум ютуқларга эришилган, айниқса, оқава сувлар, чиқинди ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини сифат ва миқдорий назорат қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, органик реагентларни иммобиллаш ёрдамида атроф-муҳит нинг турли объектларида металл ионларини аниқлаш учун янги сорбцион-люминесцент услублар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Республикамизда кимё саноати, халқ хўжалигида рух ва кўрғошин каби металлларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни аниқлаш учун замонавий, янада ишончли, тезкор ва арзон сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини

ривожлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983 сонли ва 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4256 сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли табиатли ташувчиларга иммобилланган органик реагентлар ёрдамида тезкор ва юқори талаб таъсир этувчан сорбцион-люминесцент анализ усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар жаҳон илмий марказларида жадал олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида оғир ва заҳарли металлларни аниқлаш ишлари электрокимёвий, оптик ва физик усулларга бағишланган. Хорижлик олимлардан Ю.А. Золотов, А.Н. Туранов, М.И. Беклемишев, И.В. Смирнов, Ю. Сасаки, Ю. Суго, С. Сузуки, А.Р. Циганкова, О.В. Лундовская, В.П. Дедкова, О.П. Швова, С.Б. Саввин, Хиеронг Жун ва Ҳиросаки Натолар айнан мазкур йўналишда ишлар олиб борганлар. Ўзбекистонда кимёвий сенсорлар ва аниқлашнинг тест-методларини ишлаб чиқиш билан Э. Абдурахманов, (электрокимёвий методлар), Б.Д. Кабулов, М.А. Насимов, И.П. Шестеровалар (оптик методлар) шуғулланганлар. Ўзбекистон миллий университети аналитик кимё кафедрасида люминесцент оптик датчикларни яратиш бўйича ишлар 1990-йилларда профессор Л.Е. Зельцер бошчилигида бошланган. Экстракция усулларида фарқли равишда қаттиқ фазали спектроскопия усулида заҳарли эритувчилардан фойдаланишни талаб қилмайди ва таҳлилнинг экологик хавфсизлигини таъминлайди. Шу сабабли, рух ва кўрғошинни аниқлашнинг мавжуд аналитик жараёнларини такомиллаштириш ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган янги, янада илғор ва замонавий люминесцент усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Металл ионларини аниқлашда фойдаланиш учун ҳар хил таъсирларга чидамли, танлаб таъсир қилувчан, қўллашга қулай бўлган, юқори сирт майдони ва сорбция сифимига эга бўлган сорбентлар ёрдамида кимёвий сенсор ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-48 (2017-2020 й.) «Полимер материаллари юзасида иммобилизация қилинган металл нанозаррачаларининг фазавий ўзгариши механизмини ўрганиш», А-12-53 «Экотоксикантларни атроф-муҳит объектларида фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар» (2015-

2017 й.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атроф-муҳит объектларида кўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг сезгирлиги, селективлиги ва аниқлиги юқори бўлган сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўрғошин ва рухни аниқлаш учун янги люминесцент реагентларни танлаш;

оксиазобирикмаларни ҳар хил турдаги сорбентларга иммобиллаш имкониятларини ва оптимал шароитларини аниқлаш;

оксиазобирикмаларнинг ташувчига иммобилланиш механизмини ҳамда уларнинг кўрғошин ва рух ионлари билан комплекс ҳосил қилишини оптимал шароитларини топиш;

органик реагентларни иммобиллаш орқали уларни аниқланаётган металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиш реакцияларининг спектрал-люминесцент хусусиятларини ва метрологик хоссаларини яхшилаш;

оксиазобирикмаларни эритмада ва қаттиқ юзада электрон кўзгалувчан ҳолатида протолитик мувозанатини аниқлаш;

атроф-муҳит объектларидан кўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг сезгирлиги ва селективлиги юқори бўлган сорбцион-люминесцент усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – атроф-муҳитнинг турли хил объектлари, оқава ва табиий сувларнинг стандарт намуналари, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети – атроф-муҳитни ифлослантирувчи ва экологик заҳарли бўлган кўрғошин ва рух ҳамда уларнинг бирикмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу мақсадда оптик сорбцион-спектроскопик (спектрофотометрик, люминесцент, нур қайтариш спектроскопияси, атом-абсорбцион) ва олинган маълумотларни ҳисоблаш учун статистик усуллар танланди. Шунингдек, элемент анализ, ИК-спектроскопик ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўрғошинни аниқлаш учун янги люминесцент реагент сифатида эриохром кўк-қора R ва рухни аниқлаш учун эриохром қизил B аниқланган;

эриохром кўк-қора R ва эриохром қизил B ни турли хил ташувчиларга иммобиллашнинг имкониятлари ўрганилди ва эриохром қизил B ни декстраннинг полимер гели Molselect G-15 га ва эриохром кўк-қора R ни Sephadex G-25 га иммобиллашнинг оптимал шароитлари ва механизми топилган;

иммобилланган эриохром кўк-қора R ва эриохром қизил B ни фотопротолитик хоссалари топилган;

иммобилланган эриохром кўк-қора R ва эриохром қизил B ёрдамида кўрғошин ва рухни аниқлашда самарали натижа кўрсатди. Кўрғошин ва

рухни қаттиқ фазали-люминесцент аниқлаш учун янги реагент-ташувчи системалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўрғошин ва рухни аниқлаш учун органик реагентларни иммобиллашдан фойдаланишни асослаш атроф-муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида кўрғошин ва рухни сорбцион-люминесцент аниқлашнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқишга имкон берган;

уларнинг метрологик ва аналитик хусусиятлари баҳоланган, таклиф этилган реагентнинг иммобилланган ҳолатда аниқлаш чегараси эритмадагига нисбатан рух учун 16 марта, кўрғошин учун 10 марта ортишига эришилди. Усуллар атроф-муҳит объектларида (табiiй, оқава ва ичимлик сувлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқаларда) текширилган;

кўрғошин ва рухни аниқлаш учун тавсия этилган сорбцион-люминесцент усулларнинг афзаллиги шундаки, заҳарли металлларни сорбцион концентрлашдан кейин тўғридан-тўғри иммобилланган реагентлар юзасидан аниқлаш имконияти мавжуд.

Ишлаб чиқилган усул «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ «Марказий рух заводи» лабораториясида ва «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда аналитик кимё лабораторияларида атроф-муҳит объектлари ва технологик материаллардан кўрғошин ва рух ионларини аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш», квант кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа усуллар билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг реал намуналари ДавСТ усуллари билан солиштирилганлиги ва математик статистик усулларида қайта ишланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилаётган кўрғошин ва рух ионларининг иммобилланган эриохром қизил В ва эриохром кўк-қора R билан люминесцент ва сорбцион-люминесцент аниқлашнинг оптимал шароитлари ва механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атроф-муҳитнинг турли объектлари (табiiй, оқава ва ичимлик сувлари, биомаҳсулотлар ва бошқалар)дан янги иммобилланган реагентларни қўллаш орқали метрологик ва аналитик кўрсаткичлари яхшиланган, рух ва кўрғошиннинг микроикдорларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган иммобилланган оксиязореагентлар билан кўрғошин ва рух ионларини люминесцент аниқлаш усули натижалари асосида:

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида рух ионларини аниқлашнинг сорбцион-флуориметрик усули «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг Марказий аналитика лабораториясида амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил

27 октябрдаги маълумотномаси). Натижада, оқова сувларда рух ионини аниқлаш имконини берган;

рух ва кўрғошин ионларини аниқлаш ва ажратиш усули «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШКнинг Марказий лабораториясида амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШКнинг 2021 йил 20 январдаги 36/ГК-01-21-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувлар таркибидаги кўрғошин ва рух ионларини аниқлаш ҳамда самарали тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 4 та республика ва 2 та халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объектлари ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган. Ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оғир ва захарли металлар, уларни аниқлашнинг аналитик методикалари**» деб номланган биринчи бобида кўрғошин ва рух металларининг ишлатилиш соҳалари, аҳамияти ва уларни аниқлаш бўйича танқидий адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар шарҳида кўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг экстракцион-фотометрик, спектрофотометрик, масс-спектроскопик, люминесцент, сорбцион, хроматографик анализ усуллари ҳамда бир қанча ДавСТ усулларининг аналитик параметрлари ва метрологик хусусиятлари ёритилган. Кўрғошин ва рух ионларини анализ қилишда намуна таркибидаги бегона ионларни концентрлаш, ажратиш, халақит берадиган ионларни ниқоблашсиз, селектив аниқлаш усуллари камлиги каби муаммолар кўрсатиб берилган. Имобилланган органик реагентлардан фойдаланган ҳолда оғир ва захарли металларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, турли гуруҳ реагентлари ёрдамида аниқлаш бўйича


амалга оширилган ишлар келтирилган. Адабиётларда келтирилган ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратди.

Диссертациянинг «Тадқиқотларни ўтказишда ишлатилган асбоб-ускуналар, материаллар ва ишнинг умумий методикаси» номли иккинчи бўлимида оксиазобирикмаларни ҳамда металл комплексларни қўзғалиш ва люминесцент спектрларини аниқлашда ишлатиладиган аппаратуралар ва ёрдамчи қурилмалар, ишлатиладиган реагентларни тайёрлаш тартиблари келтирилган.

Ишлатиладиган реагентларни тозалаш усуллари, уларнинг синфланиши, стандарт ва ишчи эритмаларни тайёрлаш усуллари, уларни сақлаш тартиблари, идишларни тозалаш, намуналарни олиш усуллари, намуналарни тайёрлаш усуллари келтирилган.

Иммобилланган ва эритма ҳолатидаги оксиазобирикмаларнинг квант чиқишини, кислота-асослик (протолитик) константаларини топиш, тажрибада олинган маълумотларни математик қайта ишлашнинг асосий усуллари, ўрганилаётган қўрғошин ва рух ионлари миқдорини аниқлашнинг қуйи чегараларини топиш усуллари ва уларни аниқлаш чегаралари – ишлаб чиқиладиган усулларнинг сифатини характерловчи сезгирлиги келтирилган.

Диссертациянинг «Оксиазобирикмаларни иммобилланиш шароитлари ва рух ҳамда қўрғошин ионлари билан комплекс ҳосил қилишини ўрганиш» номли учинчи бўлимида қўрғошин ионини аниқлаш учун эриохром кўк-қора R (R_2) ва рух ионини аниқлаш учун эриохром қизил В (R_1) реагентларини танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу ўрганилаётган металл ионларининг реагентлар билан комплекс ҳосил қилиши учун оптимал шароитларни танлаш ишларининг натижалари кўрсатилган. Ўрганилаётган комплексларнинг флуоресценция интенсивлигининг турли омилларга боғлиқлиги 1-расмда ва 1-жадвалда келтирилган.



1-расм. Комплексларнинг флуоресценция интенсивлигини а) рН муҳитга; б) эритувчи миқдорига; в) органик реагент концентрациясига боғлиқлиги: 1 – Pb- R_2 ; 2 – Zn- R_1

Шунингдек, ушбу металл ионларининг комплекс ҳосил қилишининг вақтга боғлиқлиги ўрганилди ҳамда эриохром кўк-қора R билан Pb комплекси ва эриохром қизил B билан Zn комплекси учун 20 дақиқада максимал флуоресценция интенсивлиги кузатилиши ўрнатилди.

1-жадвал

Қўрғошин ва рух ионларининг ўрганилаётган реагентлар билан ҳосил қилган комплекслари флуоресценция интенсивлигининг компонентларни қуйиш тартибига боғлиқлиги

№ т/р	Қуйиш тартиби	Комплексларнинг флуоресценция интенсивлиги	
		Zn-R ₁	Pb-R ₂
1.	Me+pH+Реагент+эритувчи	107	80
2.	Реагент+pH+Me+ эритувчи	90	91
3.	Реагент+ эритувчи +Me+pH	106	84
4.	Me+pH+ эритувчи +реагент	119	70
5.	Me+ эритувчи +реагент+pH	105	75
6.	Me+ эритувчи +pH+реагент	109	78
7.	Реагент+ эритувчи +pH+Me	118	82
8.	Реагент+Me+pH+ эритувчи	113	76
9.	Реагент+pH+ эритувчи +Me	126	105


Қўрғошиннинг эриохром кўк-қора R билан ҳосил қилган комплекси учун 57,1 % ум. ДМФАда, pH 4,0-4,5, икки баробар кўп миқдорда реагент қўшилганда, 20 дақиқа ўтгач, $\lambda=520$ нм да комплекс максимал даражада флуоресценция кузатилади.

Рухнинг эриохром қизил B билан ҳосил қилган комплекси учун 20 % ум. ДМФАда, pH 5,5-7,5 ва 15 дақиқа ўтгач, $\lambda=530$ нм да комплекс максимал даражада флуоресценция кузатилади.

Қўрғошин ионининг эриохром кўк-қора R ва рух ионини эриохром қизил B билан аналитик реакцияси химизми ўрганилди. Қўрғошин ионининг эриохром кўк-қора R ва рух ионини эриохром қизил B билан ҳосил қиладиган люминесцент комплекс бирикмасининг заряди, ажраладиган протонлар сони ва ҳолати, қўрғошин ва рухнинг хелатловчи моддаларга нисбати аниқланилди.

Изомоляр сериялар методида комплексларда Pb – реагент ва Zn – реагент нисбатларини аниқлаш учун реагентлар ҳамда қўрғошин ва рухнинг эквимоляр эритмалари тайёрланади, антибар нисбатларда аралаштирилиб (1:4 дан 4:1 гача), умумий ҳажми ўзгартирмасдан туриб оптимал шароитда люминесценция интенсивлиги ўлчанади. Максимал люминесценция интенсивлиги Pb – реагент ва Zn – реагентнинг эритмадаги нисбати комплексдаги билан бир хил нисбатда бўлган жойда кузатилади.


Тўйинганлик усулида компонентлар нисбатини аниқлаш учун кўрғошин ва рухга бир хил концентрацияли реагентлар қуйилади ва флуориметрланади (2-расмга қаранг). Компонентларнинг ўзаро нисбати Pb-R₂ комплексида 1:2 ва Zn-R₁ комплексида 1:1 нисбатга тенг бўлишини кўриш мумкин. Нупег Chem, Chem Sketch ва Gaussian дастурлари орқали квант-кимёвий ҳисоблашлар натижалари ҳосил бўлган комплекс тузилишини тасдиқлайди.



2-расм. Кўрғошиннинг эриохром кўк-қора R билан (1,1'), рухнинг эриохром қизил В билан (2,2') C_R/C_{Me} комплекс ҳосил қилишида компонентлар нисбатини: а- изомольяр сериялар; б – тўйинтириш методида ўрнатиш. 1 - C_R=C_{Me}=1×10⁻³М; 1' - C_R=C_{Me}=1×10⁻⁵ М

Кўрғошин ва рух ионларининг оксиазобирикмалар билан ҳосил қилган комплексларининг спектрал-люминесцент хусусиятлари ўрганилди. Ўрганилаётган реагентларнинг Zn ва Pb билан оптимал шароитда ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг ютилиш ва флуоресценция спектрлари олинди.

Эриохром кўк-қора R билан кўрғошин комплексининг электрон люминесцент спектрлари 500-560 нм соҳасида жойлашган кенг тузилишсиз йўлаклардир. Рухнинг иммобилланган эриохром қизил В билан комплексининг люминесцент спектрлари 490-560 нм соҳасида мос равишда жойлашган кенг тузилишсиз йўлаклардир (3-расмга қаранг).



3-расм. Флуоресценция спектрининг тузилиши: а – кўрғошиннинг эритмада эриохром кўк-қора R билан комплекси; б – рухнинг эритмада эриохром қизил В билан комплекси. 1 – реагент мўл миқдорда; 1' – C_{Me}=C_R; 1'' – C_{Me}=10 мкг

2-жадвалда рух ва кўрғошиннинг ўрганилаётган реагентлар билан комплексининг спектрал-люминесцент хоссалари келтирилган.

2-жадвал

Кўрғошин ва рух ионларининг ўрганилаётган реагентлар билан ҳосил қилган комплексининг спектрал-люминесцент хусусиятлари

Металл	Реагент	$\lambda_{\text{ют}}, \text{см}^{-1}$	$\lambda_{\text{фл}}, \text{см}^{-1}$	Стокс силжиш, см^{-1}	Квант чиқиш
Pb	Эриохром кўк-қора R	20833	19230	1603	0,57
Zn	Эриохром қизил B	22727	18867	3860	0,55

Эриохром қизил B ва эриохром кўк-қора R реагентларининг кимёвий-аналитик хусусиятларини яхшилаш мақсадида уларни турли табиатли сорбентларга иммобилланиши ўрганилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, эриохром қизил B учун – декстраннинг бисерполимер гели Molselect 72 G-15; эриохром кўк-қора R учун – Sephadex G-25 иммобиллаш матрицаси сифатида қулай ва самарали ҳисобланади.

3-жадвал

Ўрганилаётган реагентларни иммобиллашнинг оптимал шароитлари
 $m_H=0,4 \text{ гр}$

Реагент	Ташувчи	pH муҳит	Буфер арлашма ҳажми, мл	Ташувчи «юки», мкг/гр	Алоқа вақти, дақиқа
Эриохром қизил B	Molselect 72 G-15	3,5-5,0	4,00	636,00	5
Эриохром кўк-қора R	Molselect 72 G-25	3,0-4,0	3,0	226,38	5


Эриохром қизил B ва эриохром кўк-қора R реагентларини иммобиллашнинг оптимал шароитларини топиш учун комплекс флуоресценция интенсивлигининг турли омилларга боғлиқлик эгрларини чизиш орқали ўрганилди (3-жадвалга қаранг).

Иммобиллаш вақтида реагентларнинг оптимал концентрациясини танлаш учун ташувчининг “юки” аниқланди. Ташувчининг реагент билан “юки” ташувчининг маълум бир қисмида иммобиллаш қилиниши мумкин бўлган реагент миқдори билан аниқланади. Ташувчининг “юки” спектрофотометрик усулда чўкма устидаги реагентнинг қолдик концентрацияси билан аниқланади. Тадқиқот натижалар 4-жадвалда келтирилган.

**Ташувчининг оптимал “юки”ни аниқлаш бўйича олинган
маълумотлар**

Система реагент- ташувчи	C_R , МКГ	Эритмадан топилди R, МКГ	Реагентнинг ташувчидаги массаси (0,4 гр), МКГ	Ташувчи- нинг “юки”, МКГ/гр	I фл
Эриохром кизил В – Molselect 72 G-15	84,80	2,12	82,68	206,70	95,00
	169,40	2,12	167,28	418,20	114,00
	254,40	42,40	212,00	530,00	128,00
	339,20	84,80	254,40	636,00	137,00
	551,20	296,80	254,40	636,00	139,00
Эриохром кўк- қора R – Sephadex G-25	41,6	16,1	25,5	84,15	46
	83,2	32,3	50,9	167,97	78
	124,8	56,2	68,6	226,38	86
	166,4	91,8	68,6	226,38	87
	208,0	139,8	68,2	225,06	84
	249,6	182,4	67,2	224,07	80

Иммобилланган ҳолатдаги реагентларнинг протолитик хусусиятларини ўзгаришини баҳолаш учун ютилиш ва люминесценция спектрлари турли рН да ўрганилди (4 расмга қаранг).



4-расм. Эриохром кўк-қора R турли кислотали муҳитда ютилиш спектрлари (1-3) ва эритмада люминесценция (1'-3') ва иммобилланган ҳолатда (1''-3'')

1 – рН = 0	2 – рН = 2,0	3 – рН = 8,5
1' – рН = 2,0	2' – рН = 5,0	3' – рН = 5,5
1'' – рН = 2,0	2'' – рН = 5,0	3'' – рН = 4,3

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, органик реагент молекуласида иммобиллаш жараёни ва фотоқўзғалиш туфайли, электрон зичликнинг қайта тақсимланиши натижасида протолитик хоссаси нисбатан ўзгарган.

Ўрганилаётган реагентларнинг ионланиш константаларини аниқлаш Ферстед усулида ва график усулида амалга оширилди. Натижалар 5- ва 6-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Хар хил ҳолатдаги реагентнинг бирламчи-ионланган ҳолатидаги донор-акцептор ҳусусиятлари


Реагент	Асосий ҳолат	Қўзғалган ҳолат	Қўзғалган иммобилланган ҳолат	Хоссаларининг ўзгариши	
				Қўзғалган - қўзғалган-иммобилланган	Асосий - қўзғалган-иммобилланган
	$pK_1 + 0,2$	$pK_1 + 0,2$	$pK_1 + 0,2$	$\Delta pK + 0,2$	$\Delta pK + 0,2$
Эриохром кўк-қора R	8,7	5,7	4,6	1,1	4,1

6-жадвал

Ўрнатилган турли методларда аниқланган натижаларни асосий, қўзғалган, қўзғалган-иммобилланган ҳолатлардаги pK қийматини таққослаш

Реагент	Ферстед усулида аниқланган			График усулида аниқланган		
	pK	pK^*	$pK^*_{имм}$	pK	pK^*	$pK^*_{имм}$
Эриохром кўк-қора R	-0,90	2,50	2,50	-1,20	2,40	2,30
	8,70	5,70	4,60	8,50	6,00	4,20


Иммобилланган реагентларнинг қўрғоши ва рух ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг спектрал-люминесцент ўрганиш натижалари 5-расмда келтирилган.



5-расм. 1–Pb-R_{2(имм)}; 2–Zn-R_{1(имм)} комплекслар флуоресценция интенсивлигининг а) pH муҳитга; б) вақтга; в) эритувчи концентрациясига боғлиқлиги

Иммобилланган реагентларнинг ўрганилаётган металллар билан

комплекс ҳосил қилиш реакция тенгламаларини куйидагича ифодалаш мумкин:



7-жадвал

Қўрғошиннинг эриохром кўк-қора R билан ҳамда рухнинг эриохром қизил B билан комплекс ҳосил қилишининг оптимал шароитини эритмада ва иммобилланган ҳолатдагиларини таққослаш

Металл/ реагент	$\lambda_{\text{кўзг.}}$, нм		$\lambda_{\text{фл.}}$, нм		рН		Органик фаза хажми %.		Аниқлаш чегараси, нг		Флуоресценциянинг шаклланиш вақти, дақ.		Квант чиқиш	
	Me-R	Me - R _{им}	Me-R	M-R _{им}	Me-R	Me-R _{им}	Me-R	Me-R _{им}	Me-R	Me-R _{им}	Me-R	Me-R _{им}	Me-R	Me-R _{им}
Қўрғошин/ эриохром кўк-қора R	СЗС-24-2	СЗС-24-2	540	520	4,0-4,5	3,0-4,0	57,1	28,5	28	2,8	20	10	0,57	0,65
Рух/ эриохром қизил B	СЗС-24-2	СЗС-24-2	530	525	5,5-7,5	3,0-5,5	20	15	12	1,6	20	5	0,55	0,85

Қўрғошин ва рух ионларининг иммобилланган ва эритмадаги реагентлар билан ҳосил қилган комплексларининг аналитик тавсифлари таққосланган. Таққослаш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

Қўрғошин ва рух ионларининг ўрганилаётган органик реагент билан эритмада ва иммобилланган ҳолатда комплекс ҳосил қилишида муҳит кислоталиги таққосланди, бунда оптимал рН эриохром қизил Bнинг рух билан комплексланишида 2 бирликка; қўрғошиннинг эриохром кўк-қора R билан комплексланишида 1 бирликка кислоталик томонга силжиди.

Айтиш жоизки, реагентларни иммобилланиши натижасида органик фазанинг улуши қўрғошиннинг эриохром кўк-қора R билан комплекси учун 2 марта ва рухнинг эриохром қизил B билан комплекси учун 1,5 марта камайди.

Юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, шуни хулоса қилиш мумкинки, кўрғошин ва рух ионлари билан эриохром кўк-қора R ва эриохром қизил B ни иммобиллашда олинган комплекс бирикмаларининг метрологик тавсифлари эритмадагига нисбатан анча яхшиланган.

Диссертациянинг «Кўрғошин ва рухни сорбцион-люминесцент аниқлаш методларни ишлаб чиқиш ва аналитик қўлланилиши» номли тўртинчи бўлимида кўрғошин ва рух ионларининг иммобилланган эриохром қизил B ва эриохром кўк-қора R билан комплекс ҳосил қилиш реакциясидан уларни люминесцент аниқлаш усуллари ишлаб чиқишда қўлланилди.

8-жадвал

Кўрғошин ва рухни иммобилланган оксиазобирикмалар билан аниқлашнинг метрологик хоссалари

Реагент-Ташувчи тизими	Аниқлаш оралиғи концентрация, мкг/мг	Нисбий стандарт четланиш	
		Юқори чегараси учун	Пастки чегараси учун
Кўрғошин – эриохром кўк-қора R	0,0028-0,028	0,016	0,28
Рух – эриохром қизил B	0,001-0,01	0,017	0,22

Металл ионлари концентрацияси ва флуоресценция интенсивликлари орасидаги боғлиқлик пропорционалик интервали топилди. Математик статистика методида аниқлаш усулининг тўғрилиги баҳоланди. Кўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг қуйи чегараси эритмадагига нисбатан кўрғошин - эриохром кўк-қора R учун 10 марта; рух – эриохром қизил B учун 16 марта ошди. Кўрғошин ва рух ионларини эитмада ва иммобилланган ҳолатда аниқлашнинг метрологик кўрсаткичлари таққосланди (8- жадвал).

9- жадвал

Кўрғошинни эриохром кўк-қора R билан ва рухни эриохром қизил B билан комплексланиш реакциясининг селективлигини эритмада ва иммобилланган ҳолатлари бўйича маълумотлар

Комплекс бирикма	Селективлик омиллари (n-ортиқча)	
	Эритмада	Иммобилланган ҳолатда
Кўрғошин – Эриохром кўк-қора R	Be(50), Mg*(100), Al*(50), Ga(600), Fe(10), Co*(50), Ni(150), Cr(500), Mn(50), Cu*(100), Mo*(100), Zn(30)	Be(100), Mg(50), Al(50), Ga(1000), Fe(50), Co(50), Ni(2000), Cr(1000), Mn(100), Cu(50), Mo(30), Zn(100)
Рух – Эриохром қизил B	Be(100), Mg(250), Al(25), Ga(100), Fe(80), Co(1000), Ni(400), Cr(80), Mn(100), Cu(1000), Mo(400)	Be(150), Mg(600), Al(75), Ga(150), Fe(100), Co(2500), Ni(750), Cr(200), Mn(250), Cu(1250), Mo(450)

* - Қўрғошин ва рухнинг реагентлар билан комплексланишига ҳалақит қилувчилар эритмада ЭДТА+NaF (1:1) (1 мг/мл) эритмалари ёрдамида ниқобланди.

Реакциянинг селективлигини характерлаш учун қўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг тўғрилигига турли ёндош реакцияларнинг таъсири ўрганилади. Ўрганилаётган ионга бегона ионларнинг ҳалақит қилиш нисбати (селективлик омили) топилиди. Олинган натижалар 9- жадвалда кўрсатилган.

Атроф-муҳит объектларидан қўрғошин ва рух ионларини сорбцион-флуориметрик миқдорий аниқлаш комплексланиш реакцияси механизмига асосланди. Натижалар 10- жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Қўшимчалар усули бўйича табиий сувлардан рух ионини R₁ билан аниқлаш услубининг метрологик тавсифлари

n=5 p=0,95 V=500 мл

Анализ қилинадиган намуна	Система	Кирилди мкг Zn	Топилди мкг Zn	Намунадаги ҳақиқий миқдори Zn (x+Δx), мкг/л	Sr
Сув намунаси (Чорвок)	R ₁	2	4,92	5,84	0,17
		4	6,9	5,80	0,18
		5	7,91	5,82	0,16
	R _{1(ИММ)}	2	4,90	5,80	0,09
		4	6,90	5,80	0,11
		5	7,92	5,84	0,16

Инсониятнинг атроф-муҳит га антропоген таъсирини ортиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтирилиши оқибатида заҳарли элементларнинг биогеокимёвий айланиши кескин ошди. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотлари орқали инсон организмига киради ва инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотларидаги элементлар миқдорини анализ қилиш заруратини туғдиради.

Бу жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларидан металлларни аниқлашнинг экспресс ва сезгир методларини ишлаб чиқиш самарали ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларидан қўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг сорбцион-люминесцент усули ишлаб чиқилди. Натижалар 11-жадвалда кўрсатилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, атроф-муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларидан металлларни аниқлашда нисбий стандарт четланиш 0,33 дан ошмайди, бу эса ишлаб чиқилган сорбцион-люминесцент

усулларнинг аниқлиги ва қайта такрорланувчанлиги юқорилигини кўрсатади.

11 - жадвал

Озиқ-овқат махсулотларидан қўрғошин ионини эриохром кўк-қора R билан аниқлашдан олинган натижалар

Текширилаётган объект	Система	Киритилди Pb г/кг 10^{-5}	Топилди Pb г/кг 10^{-5}	Мавжуд миқдори Pb г/кг 10^{-5}	Sr
Картошка	R _{2(ИММ)}	1,0	3,5	2,5	0,10
		2,0	4,1	2,1	
		3,0	5,6	2,6	
		–	2,4	2,4	
				2,4±0,5	
Нон	R _{2(ИММ)}	1,0	2,9	1,9	0,10
		2,0	4,1	2,1	
		3,0	4,7	1,7	
		–	1,7	1,7	
				1,8±0,4	
Назорат методида топилди: картошкада – $(2,6 \pm 0,5) \cdot 10^{-5}$ г/кг нонда – $(1,9 \pm 0,2) \cdot 10^{-5}$ г/кг					

ХУЛОСАЛАР

1. Қўрғошин ва рух ионларини аниқлаш учун янги флуоресцент реагентлар оксиазобирикмалар – эриохром қизил В ва эриохром кўк-қора R лар таклиф қилинди;

2. Оксиазобирикмаларни турли табиатли сорбентларга иммобиллаш имкониятлари ўрганилди. Эриохром қизил В ни Molselect 72 G-15 га ва эриохром кўк-қора R ни Sephadex G-25 га иммобилланишининг оптимал шароитлари, оксиазобирикмаларни ташувчиларга иммобилланиш механизми ҳамда ўрганилаётган реагентларни рух ва қўрғошин ионлари билан эритмада ва иммобилланган ҳолатда комплекс ҳосил қилишнинг оптимал шароитлари таклиф қилинди;

3. Ўрганилаётган металларни иммобилланган органик реагентлар билан комплексланиш реакцияларининг спектрал-люминесцент хоссалари иммобиллаш усули билан яхшиланиши аниқланди. Қўрғошинни иммобилланган эриохром кўк-қора R билан аниқлашнинг сезгирлигининг қуйи чегараси эритмадагига нисбатан 10 марта; эриохром қизил В билан рух ионини сезгирлиги аниқлашнинг қуйи чегараси 16 марта ортиши исботланди.

4. Оксиазобирикмаларнинг эритмада ва қаттиқ юзада электрон-қўзғалган ҳолатда протолитик мувозанати ўрганилди. Люминофор молекуласини иммобиллашда унинг молекуласида электрон зичликнинг қайта тақсимланиши туфайли протолитик хоссаси ўзгаради. Люминофорнинг

электронодонор хоссаси қўзғалган ҳолатда асосий ҳолатга нисбатан 4,1 бирликка, қўзғалган-иммобилланган ҳолатда қўзғалган ҳолатга нисбатан 1,1 бирликка ортиши ўрнатилди.

5. Атроф-муҳит объектларидан қўрғошин ва рух ионларини аниқлашнинг сезгирлиги ва селективлиги юқори бўлган сорбцион-люминесцент усуллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган сорбцион-люминесцент усул табиий ва оқава сувлардан қўрғошин ва рух ионларини 10^{-7} ва 10^{-4} г/л даражада аниқлайди. Олинган натижалар рух ва қўрғошин ионларини реал объектлар анализига қўлланилиши тавсия этилди;

6. Ишлаб чиқилган сорбцион-люминесцент анализ усули атроф-муҳит объектлари анализига қўлланилди ва ОКМК ҳамда «Муборак газни қайта ишлаш» лабораторияларида синовдан ўтди ва амалиётда қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc. 03/30.12.2019.К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

БОБОЖОНОВ ХИКМАТ ШАВКАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОРБЦИОННО-СПЕКТРОСКОПИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
ОПРЕДЕЛЕНИЯ СВИНЦА И ЦИНКА ИММОБИЛИЗОВАННЫМИ
РЕАГЕНТАМИ**

02.00.02 – Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4PhD/К324

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель

Усманова Хилола Уматалиевна
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Абдурахманов Эргашбой
доктор химических наук, профессор

Яхшиева Зухра Зиятовна
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «20» апрель 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.К.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 13 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «06» 04 2021 г.
(протокол рассылки № 5 от 5.04 2021 г.)



З.А.Сманова
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н.

Н.Х.Кутлимуратова
Председателя научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней д.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последние годы возрастает уровень интенсификации производства, что приводит к увеличению концентрации тяжелых токсичных металлов в объектах окружающей среды. Среди антропогенных воздействий свинец и цинк представляют особую угрозу для здоровья населения. На сегодняшний день требования к метрологическим и аналитическим свойствам разрабатываемых методов определения тяжелых и токсичных металлов повышаются, что свидетельствует об актуальности совершенствования существующих и разработки новых методов определения ионов свинца и цинка.

Ведущими учеными мира проводятся научные исследования по развитию и созданию селективных, чувствительных, экспрессных методов, в том числе, сорбционно-спектроскопических методов для определения тяжелых токсичных металлов. Востребованность разработки сорбционно-спектроскопических методов стимулирована необходимостью располагать быстрой и точной информацией о составе металлов, используемых в производственной деятельности и представляющих наиболее серьезную опасность с точки зрения их биологической активности и токсических свойств в результате накопления их во внешней среде.

В нашей Республике в развитии химической промышленности особое внимание уделяется созданию люминесцентных методов обнаружения ионов свинца и цинка в окружающей среде. На основе реализуемых программных мероприятий в этом направлении достигнут значительный прогресс, в частности, ведется большая работа по контролю качества и количества сточных вод, руд, отходов и пищевых продуктов. В частности, разрабатываются новые сорбционно-люминесцентные методы обнаружения ионов металлов в различных объектах окружающей среды с использованием иммобилизации органических реагентов.

Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет задачи «дальнейшего ускорения производства готовой продукции на основе переработки местного сырья, разработки принципиально новых видов продукции и технологий, выхода на качественно новый уровень». В связи с широким использованием таких металлов, как цинк и свинец в химической промышленности, народном хозяйстве важна разработка современных, более надежных, быстрых и дешевых сорбционно-люминесцентных методов их обнаружения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №5953 от 2 марта 2020 года «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «год развития науки, просвещения и цифровой экономики», № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»,

Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП - 4256 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. Химия, химическая технология и нанотехнология.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по разработке экспрессных, высокоизбирательных сорбционно-спектроскопических методов анализа с использованием иммобилизованных органических реагентов (ИМОР) на различных по природе матрицах интенсивно ведутся в мировых научных центрах.

